

Божаси уч кунга дам олишга кетишаётганини айтади. Бу фурсатни қўлдан бой бермаслик мақсадида улар ясатиб олинган калит билан божасининг хонадонига киришади. Ётоқхонадаги шкафнинг ичидан 25 минг АҚШ долларини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинадилар.

5  
БЕТ

Александр қизининг йигитидан эшитган гаплари учун баттар асабийлашиб кетади. Уларнинг бу сафарги жанжаллашуви мушталашув билан давом этади. Жамшид А.Пердешовнинг юз қисмига бир неча мартаба уриб, уни ерга йиқитиб олгач ҳам уришдан тўхтамайди...

8  
БЕТ

Mustaqillik huquq demakdir

# Ўшқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 28-yanvar, №4 (993)

## Йил якунлари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди

Жорий йилнинг 22 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти раҳбарияти, ходимлари, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этиди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2015 йилдаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ижроси юзасидан кенг қамровли тадбирлар ўтказилганлиги қайд этилди.

Хусусан, масъул идоралар

билан ҳамкорликда 1 060 та ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризация қилиниб, 43 та қонунга 137 та ўзгариш киритиш тўғрисида тайёрланган қонун қабул қилинди.

Қонунлар мазмун-моҳиятини бевосита ижрочилар ва кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида 27 925 та тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Қўрилган чоралар натижасида 7 383 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди, 15 мингдан ортик тадбиркорга турли масалаларда амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 5 800 дан зиёд тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди.

Мажлисида прокурор назорати тадбирларида қонунбузилишнинг асл сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона амалиётни шакллантириш, шу жумладан, қонунчиликни такомиллаштириш ва прокурор назорати амалиётининг сифати ва таъсирчанлигини оширишнинг барча чораларини қўриш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлигини сақлаш ва бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ҳамда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинганлиги муносабати би-

Қобилжон АХМАДЖАНОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

лан бу борадаги тадбирлар ижроси юзасидан, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этишга оид ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги устидан доимий назорат олиб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Вояга етмаганларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий ҳимоялаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг, ўз жонида қасд ва суиқасд қилиш ҳамда эрта турмуш ҳолатларининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва бу борада мутасадди идоралар билан ҳамкорлик самардорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари фаолияти ошқоралигини ҳамда жамоатчилик назорати тамойилларини таъминлаш борасида, шунингдек, бошқа муҳим йўналишлар бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 2015 йил давомида прокуратура ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти органлари фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликлар кескин танқид қилиниб, бунга йўл қўйган вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда департамент раҳбарияти ва ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг тушунтиришлари эшитилди.

Ҳайъат мажлисида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Бугунги кунда ҳар бир соҳа, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими ривожини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Президентимизнинг бу борадаги фармонлари асосида ҳўжалик суллари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари босқичма-босқич жорий этилишига замин яратилди.

## Давра суҳбати ўтказилди

Мирза СОЛИЕВ,  
Бош прокуратуранинг ОУК ўқитувачиси

Айнан мазкур масалалар юзасидан жорий йилнинг 21 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленум залида "Судларда ҳўжалик ишлари кўрилишида суд мажлисининг видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши жараёни ва афзалликлари" мавзусида Олий ўқув курслари тингловчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан 2014 йил 1 сентябрдан ҳўжалик судларида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш амалиёти яратилганлиги тадбиркорлик субъектлари, давлат органларига қулайлик ва ҳўжалик судлари фаолиятининг янада такомиллашишида муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидланди. Шунингдек, суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тадбиркорлик субъектлари учун кўпгина қулайликлар яратганлиги, ҳўжалик ишлари кўраётган суд мажлисига қатнашиши лозим бўлган бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектлари вакиллари шу судга келмасдан, бевосита ўзлари жойлашган ҳудуддаги ҳўжалик судининг биносига келиб, видеоконференцалоқа тизими орқали суд процессида иштирок этишлари мумкинлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, видеоконференцалоқа режимида суд

мажлисини ўтказишга доир ҳўжалик процессуал кодексига киритилган қўшимчалар видеоконференцалоқа режимидаги мажлисда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари процессуал жиҳатдан қонунда мустаҳкамланганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида ҳўжалик судлари фаолиятига ахборот технологияларини жалб этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришнинг яққол тимсоли бўлиб, одил судлов фаолиятининг сифат ва самардорлигини оширишга, судда тезкорлик билан ишлар кўрилишини ва процессуал муддатларнинг тежалишини таъминлаш орқали ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилаётганлиги таъкидланди.

Ҳўжалик судларининг видеоконференцалоқа режими имкониятларидан нафақат суд жараёнини ўтказишга, балки доллар масалалар юзасидан тадбирлар ўтказишда фойдаланиш орқали прокуратура органлари ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиб борилаётганлиги ҳам қайд этилди.

## Тавсиянома муносибларга берилади



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришган аскарларнинг олий ўқув юрталарига ўқишга кириш учун имтиёзли йўлланма берувчи тавсияномаларга эга бўлаётгани уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат, истиқбол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларга ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномалари тақдим этилиши уларга кўрсатилётган алоҳида ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси

Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёزلар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилаётган тест имтиҳонларида аскарларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти синовдан ўтказилмоқда. Юқори балл тўплаган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурларини пухта ўзлаштирган муддатли ҳарбий хизматчилар олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун тавсиянома олиш имконига эга бўлади.



Таъбиркорлик билан шугулланиш фуқароларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бўлиб, бу ҳуқуқларни тўла-тўқис таъминлашга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётган. Зеро, таъбиркорлик тараққи топан юрт иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва янада гўллаб-яшнаши ҳеч кимга сир эмас.

## Эътироф ташаббусга етаклайди

Рустам ИБРАГИМОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари

Юртимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий таъбиркорликни ишончли ҳимоя қилиши таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони таъбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Бугунги кунда соҳага алоқадор ташкилотлар томонидан уларнинг муносабатлари белгиланган муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилаётганлиги, таъбиркорлар билан бевосита ишлайдиган бўлимларнинг фаолияти мазкур фармон асосида шакллантирилганлиги, таъбиркорлар манфаатлари қўллаб-қувватланаётганлигини эътироф этиш ўринли.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти органлари томонидан бу борада белгиланган режаларга биноан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Андижон туманидаги "Рубер траст шойс" масъулияти чекланган жамият бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Утган вақт мобайнида жамиятда иш ўринлари сони бир неча ўн баробарга ўсди. Ҳозирда мазкур жамоада 850 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Дастлаб жамиятда икки турдаги резина пойфазалар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда замонавий технологиялари жорий қилиш, жаҳон андозаларига мос жиҳозларни ўрнатиш ҳисобига бир неча дизайнли эркаклар, аёллар ва болалар учун пойфазалар ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, автомобиль заводларига бутловчи қисмлар етказиб беришчи корхоналарга резина хомашёлари, трикотаж ҳамда жунли матолар етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди. Корхона маҳсулотлари мамлакатимиз ички бозорида сотилиши бора-борида ўнлаб хориж давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Маълумот учун айтишимиз мумкинки, корхона томонидан ўтган даврда 3 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулотлар чет давлатларга етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 26 октябрда чиқарилган "Қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонунийликни кўриқланадиган манфаатларини, конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни фож этиш, олдин олиш ва профилактика қилишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг фаолигини янада ошириш мақсадида уларга ташаккурнома эълон қилиш, рағбатлантириш зарарда тутилган. Мазкур корхона ҳам ўз фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг ташаккурномасига сазовор бўлди. Мазкур ташаккурнома Андижон туман ҳокимлигида таъбиркорлар ва туман фаоллари иштирокида тантанали равишда топширилди.

Шундай таъбирлардан яна бири СВОЖЖДЛҚК департаменти томонидан Бухоро вилоятида ҳам ўтказилди. Узининг 40 йилдан зиёд умрини журналистика соҳасига бағишлаган Бобоқул Усмонов фаолияти давомида қўллаб-мавузларда қалам тебратди. У ўзининг муаллифлик дастурлари орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда "Қонун ва ҳаёт", одам савдосининг жирканч иллатлари ҳақида "Жар ёқасида" ҳамда диний ақидапарастлик ва терроризм оқимларига кириб қолаётган ёшларнинг аянчли тақдирлари тўғрисида "Қисмат" номли ва бошқа бир қатор телекурсусларни тайёрлади. Бобоқул Усмоновнинг ана шундай хизматлари муносиб баҳолалиб, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан ташаккурнома билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес, таъбиркорлик субъектлари ҳамда ишбилармонлардан тортиб, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштирок этган ҳар бир фуқаро ва юридик шахс ана шундай эътирофга лойиқдир.

# Устувор вазифаларимиздан бири

Қаҳрамон ИБРОХИМОВ,  
Навоий вилоят прокурорининг ўринбосари

Конституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартноҳларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган. Конституция қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунини қабул қилгани.

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан ушбу қонун ижроси юзасидан доимий назорат таъбиркорлиги олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор вилоятда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида уларнинг бандлигини таъминлаш, айниқса, лицей ва коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, таъбиркорликка жалб этишга қаратилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан 2015 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 2 мартаба "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, таъбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиши янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича давра суҳбати ва конференция-семинар ўтказилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишдаги ишларнинг самарали ташкил этилиши натижасида банкрот корхоналарини сони жорий йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 тага камайган. Бундан ташқари, 2015 йилда фаолият кўрсатмаётган хўжалик юртувчи субъектлардан 173 тасининг фаолиятини тиклаш натижасида 290 та иш ўринларини сақлаб қолишга эришилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг ҳудудларда 35 та янги таъбиркорлик субъектларини ташкил этилишига қўмақлашиши натижасида 48 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси органлари ва СВОЖЖДЛҚК департаментининг туман-шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда олиб бо-

рилган таъбирлар давомида ноқонуний таъбиркорлик фаолияти билан шугулланиб келган 83 та таъбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши натижасида 192 та иш ўринлари яратилди.

2015 йил давомида вилоят прокуратура органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мутирувчиларни ишга жойлаштириш, таъбиркорликка жалб этишга қаратилган 41 та меҳнат ярмаркаларида 1961 та корхона ва ташкилот 7125 та иш ўрни билан қатнашди.

Олиб борилган доимий назорат таъбирлари давомида мазкур соҳада бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари ҳам аниқланди. Жумладан, меҳнат ва бандлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан 12 та текшириш ўтказилиб, 107 та ноқонуний ҳужжат прокурор протестига асосан бекор қилинди. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 15 та тақдимнома киритилди. 23 та интизомий, 38 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатилди. Бундан ташқари, текширишлар жараёнида 5768 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, етказилган зарарлар ихтиёрли қопланди.

Учқудук туман прокуратураси томонидан олиб борилган назорат таъбирларида фуқаро Л.Бердиевнинг муносабати юзасидан текшириш ўтказилди. Маълум бўлишича, тумандаги 10-сонли болалар мусика ва санъат мактаби касаб ва уюшмасининг 2015 йил 11 сентябрдаги баённомаси ҳамда мактаб директори ва хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарининг билдиргисига асосан мусика асбоблари устаси Д.Раҳмонов билан тузилган меҳнат шартномаси 2015 йил 14 сентябрда бекор қилинган. Ваҳоланки, Д.Раҳмоновнинг меҳнат интизомини бузганлиги касаб-

ба уюшмаси йиғилишида унинг иштирокисиз муҳокама қилиниб, Д.Раҳмонов келгусида сабабсиз ишга келмаган тақдирда у билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида оғохлантириш берилган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 102-моддаси талаби бузилиб, мактаб директори томонидан Д.Раҳмонов меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида уч кун олдин хабардор қилинмаган, бундан ташқари, унга меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси берилмаган ва у буйруқ билан таништирилмаган.

Оқоридагиларни инобатга олиб, туман прокуратураси томонидан мактаб директорининг буйруғини бекор қилиш юзасидан протест келтирилди.

Кармана туман прокуратураси томонидан туман бандлик қўмақлашиш ва аҳолини йқтимурий муҳофаза қилиш марказида ўтказилган текширишда иш ўринларининг етарли даражада яратилмагани оқибатида 2015 йилнинг 10 ойида марказга муносабат қилганлардан 102 нафар иш билан таъминланмагани аниқланди.

Бундан ташқари, 2015 йилнинг 10 ойида 26 нафар фуқарога қонун талабларига зид равишда ишга жойлашиш учун асоссиз равишда имтиёзли квоталар берилган.

Ўрганилган даврда 14 нафар фуқарога берилган квоталарнинг ва 16 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун берилган йўлланмаларнинг жавоблари олинмаган, ишга қабул қилиниши аҳоли мутлақо ўрганилмаган. Шунингдек, 17 та хўжалик юртувчи субъектларда жами 160 та иш ўринлари яратилгани тўғрисида бирор-бир маълумот ёки тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса-да, марказ ўз ҳисоботларида уларни қўшиб кўрсатган.

Текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.

## Миси чиққан иш

Бухоро шаҳридаги "Muborak Plyus Buxara Trans" МЧЖда чипта сотувчи вазифасида ишлаб келган Наргиза Жалилова фирбиргарлик "илм"ини эгаллаб, мўмай пул топишнинг ўзига хос усулини таналади.

Одамлар ишончини суиистеъмоил қилиш йўлига ўтган Н.Жалилова 2015 йилнинг апрель ойида фуқаролар Р.Юсупов ҳамда Ф.Юсуповларни алдаб, уларга "Домодедово — Бухоро" йўналишидаги рейсга авиачипта олиб беришни ваъда қилади. Бирок лафзини унутиб, уларнинг 774 минг сўм пулини ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборди.

Шунингдек, фуқаро А.Зарипов ҳамда Э.Амоновлар фарзандларига "Тошкент — Нью-Йорк" йўналиши учун 26 июнь кундаги рейсга 2 та авиачиптани Н.Жалиловадан 7 млн. 600 минг сўмга сотиб олиб, чиптани расмийлаштирадilar. Шундан сўнг уларнинг

Диллор ЗАРИПОВ,

Бухоро транспорт прокурорининг ёрдамчиси

Нью-Йоркдан қайтиш саналари ўзгариб қолади. Ушбу фуқароларнинг чипталарини қайтариб беришларини эшитган Н.Жалилова уларга гўёки жарима қўллаб, 2 млн. 600 минг сўм пулларини бермай ўзида олиб қолади.

Шу билан бирга, тергов жараёнида бу шахсининг фуқароларга "Muborak Plyus Buxara Trans" МЧЖ орқали сохта авиачипталар сотиб, уларни чув туширганлиги ҳам фож этилди.

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судида Н.Жалилованинг қилмишларига нисбатан ҳукм ўқилди. Унга кўра, айбдорга ойлук иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадида ушлаб қолиш шarti билан 3 йил муддатта ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

# Тадбиркорга ҒОВ бўлаётганлар

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида юртимизда тадбиркорлик ривож учун барча шарт-шароитлар яратилгани, ammo бу борада айрим мансабдорлар томонидан асоссиз текширувлар давом этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ҳужжатларининг талаб ва нормаларига сўзсиз роя этиш эканини теран англаб олишлари лозимлигини эътироф этгани.

Шундан келиб чиқиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони га асосан, прокуратура органлари томонидан бу борадаги назорат тизими изчил йўлга қўйилган. Бунда амалиётдаги айрим хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни уларнинг фойдасига ҳал этиш принципи га мослаштириш алоҳида эътиборга олинди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувлар бўйича қонунчиликка мувофиқ нормалар қўлланилиши шарт қилиб қўйилди.

Прокуратура органлари то-

монидан ўтказилган текширишлар натижасининг таҳлиллари шундан далолат берадики, айрим мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуш, ноқонуний текширишлар ўтказиш, тадбиркорларга нисбатан тамағирлик қилиш, кредитлар ажратишда сунъий тўсиқлар яратиш, ҳисоб рақамидаги пул маблағларини талон-торож қилиш каби ҳолатлар ҳамон учрамоқда.

Албатта, бундай салбий кўринишлар аниқланган ҳар бир ҳолатда айбдорларга нисбатан қатъий чоралар қўрилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини амалиётга қорий этиш устидан назорат кузайтирилди. Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини бузган барча тоифадаги ман-

сабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий чоралар қўрилмоқда.

Бу борадаги фаолият тизимли равишда амалга оширилиб, қисқа вақт ичида 2 та ҳолатда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний текшириш ўтказилган ва 89 та ҳолатда асоссиз аралашилгани аниқланиб, 250 дан зиёд прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Жумладан, 9 та жиноят ва 17 та маъмурий ишлар қўзғатилган. Бу борада қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари натижасида 164 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Шунингдек, 222 та ҳолатда тадбиркор ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди. Уларнинг 135 таси солиқ органлари, 72 таси маҳаллий ҳокимликлар ва улар ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ҳамда ягона ойна марказлари, 6 таси ер ресурслари ва давлат кадастри ҳамда 1 тадан архитектура ва қуриб, банк, ички ишлар органлари ва 6 таси бошқа идораларнинг масъул ходимлари томонидан содир этилган.

Айрим давлат органлари мансабдор шахслари томонидан тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашуш ёки ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолатлари содир этилган. Жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жа-

миятига қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ваколати берилмаган бўлса-да, жамиятнинг Қўшрабдор туман раиси Х.Холмуродов ўзи томонидан чиқарилган буйруқ асосида "Марказга таъминот" унитар корхонаси туман филиалининг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашганлиги маълум бўлди. Қонунга хилоф равишда текшириш ўтказган раисга нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимининг бир неча нафар ходимлари ўз хизмат мавқелиридан фойдаланган ҳолда, хусусий тадбиркор С.Камоловага тегишли бўлган савдо дўконига қонунга хилоф равишда текшириш ўтказганлиги учун уларнинг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Бундан ташқари, бошқарув ва назорат органлари мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан тамағирлик қилинган ҳолатлар ҳам аниқланди. Жумладан, Ургут туман ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи Р.Набиев тадбиркор И.Қаҳҳоровдан қандалатчилик махсуслотларини ишлаб чиқариш цехи ва бир қатор маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуришга рўхсат бериш ҳақидаги далолатномага имзо қўйиб бериш звизига 300 АҚШ

Жамшид АХМЕДОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

доллари талаб қилиб олганлиги учун қонунда белгиланган талаблар асосида жазага тортилди.

Оқдарё туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.Турсунов эса хусусий тадбиркор М.Ашуровага интенсиф боғ ташкил қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун 3,5 гектар ер майдони ажратиб бериш звизига 3 минг АҚШ доллари талаб қилиб олаётган пайтда ушунди ва жазага тортилди.

Мухтасар қилиб айтганда, прокуратура органлари томонидан кўрсатилган ишончли ҳимоя фуқароларининг тадбиркорлик фаолиятини эркин олиб боришга руҳлантириб, берилган имкониятлардан тўла фойдаланишига замин яратмоқда. Бу эса хусусий секторнинг жадал ривожланишига, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш каби эътибор қаратилаётган амалга оширишда тўққинчи қўлидан ҳар қандай мансабдор, мутасадди шахс, шубҳасиз, қонун олдида жавоб беради.

## Келажагимиз ворислари доимий эътиборда

Бугун мамлакатимизда баркамол шахсни шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ижодий қобилияти ҳамда интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўла рўёбга чиқаришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўплаб қўлайлик ва имкониятлар яратилмоқдаки, бу уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишида асосий мезон вазифасини ўтаётди.

Шу нуқтаи назардан прокуратура органлари томонидан улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида Сирдарё вилоятида 12 та "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда уларда 46 та техник ижодиёт, 147 та бадий ижодиёт, 39 та ўлкашунослик ва экология йўналиши бўйича жами 232 та тўғрақ фаолият кўрсатиб, умумтаълим мактабларидаги 6 мингга яқин ўқувчи-ёшлар жалб қилинган. Уларга 279 нафар педагог ходимлар таълим-тарбия бериб келмоқдалар.

Эътироф этиш жоизки, "Баркамол авлод" болалар марказининг 60 дан ортққ ўқувчи-ёшлари ўтган йилда "Миллий рақслар", "Варрақлар сайли", "Чимён садоси — 2015", "Еш ҳунарманд" кўрик-танловлари, "Болалар ва сув" экологик фестивалларининг республика босқичида фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришдилар. "Йилнинг энг яхши услубчиси" кўрик-танловида 1-ўринга сазовор бўлишди.

2015 йил июнь ойида вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокида вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида ўқувчилар ўртасида "Гийҳвандлик — умр заволи" мавзусидаги расмлар кўргазмаси ва ерга расм чизиш танлови ўтказилиб, голбиларга ҳомийларнинг эсдалик

совғалари топширилди.

Бу борадаги ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида Ширин шаҳри ва Оқолтин туманида инглиз тили тўғрақлари ташкил этилди ва улар олий маълумотли мутахассислар билан тўлдирилди.

Ўлкашунослик ва экология йўналишида мактабдан ташқари таълимнинг мазмун-моҳиятини ривожлантириш мақсадида вилоят болалар марказида 2015 йил 3 июль, 26 август ва 22 сентябрь кунлари ўқув семинарлари ўтказилди. Унда болаларнинг қизиқишларига қараб янги турдаги тўғрақлар ташкил этилди. Шу билан бирга, олис ҳудудлардаги ўқувчиларни қамраб олиш бўйича умумтаълим мактабларида ҳам турли тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилди. Мисол учун, Боевут туман болалар маркази ҳудудига узок бўлган 33-сонли умумтаълим мактабида "Гулчилик", 19-сонли умумтаълим мактабида "Еш мусаввир", 8-сонли умумтаълим мактабида "Боғдорчилик", 10-сонли умумтаълим мактабида "Доирчалар", 5-сонли умумтаълим мактабида "Қўнғирчоқ театри" ва "Фольклор" тўғрақлари ташкил этилиб, уларда 180 нафар ўқувчи ҳунар ўрганмоқда.

Бундан ташқари, Гулистон туманидаги 6-сонли умумтаълим мактабида "Тўқиш", "Бичиш-тикиш", 15-сонли умумтаълим мактабида "Тўқиш", 12-сонли умумтаълим мактабида "Рус тили", 30-сонли умумтаълим мактабида "Компьютер графикаси ва дизайни" тўғрақлари ташкил этилиб, уларда 99 нафар ўқувчи қатнашмоқда. Худди шундай, Мирзаобод, Оқолтин, Сардоба ва Сайхунобод туманларининг олис ҳудудларида ҳам тўғрақлар ташкил этилди.

Ўйлаيمизки, бу каби тўғрақларнинг ташкил этилиши болаларнинг қизиқишларига мувофиқ ижодий ва бадий қобилиятларини ривожлантиришга, уларнинг фойдали ишлар билан шугулланишига ёрдам беради.

Навоийда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

## Ғоялар қўллаб-қувватланмоқда

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўшқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими, тижорат банклари ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш тадбиркорлар сифини кенгайтириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур имтиёз ва қўлайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ёшларнинг истиқболли ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган турли танловлар бунда муҳим омил бўлмоқда.

Навоий вилоятида 2014-2015 ўқув йилида касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан 17 миллиард сўмдан ортққ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. 1 минг 500 нафар ёш тадбиркор ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Тадбирда мутахассислар томонидан ёш тадбиркорлар учун кредитлар ажратиш тартиби, солиқ имтиёзлари, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишдаги енгиликлар хусусида атрафлича маълумот берилди.

— Бугун семинарда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан "ягона дарча" тамойили асосида яратилган қўлайликлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлдим, — дейди Навоий техника-интисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фирдавс Файзуллоев. — Мен ҳам коллежини битиргач, тадбиркорлик билан шугулланишни мақсад қилганман. Чунки бунинг учун бизда барча шароитлар мавжуд.

# Муҳит фаолликка ундайди

Қулай сармоявий муҳит, имтиёзлар-у преференцияларнинг салмоқли портфели, фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитлар ҳар бир мамлакат тараққиёт суръатларини белгилаб берувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Истиқлолнинг ilk йилларидан бошлаб юртимизда буларнинг барчаси муҳайё қилингани тўғрисида глобал инқироз оқибатлари ҳамон сезилиб турган бугунги мураккаб шароитда ҳам иқтисодийимиз жадал ривожланиб, ҳалқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораёпти. Ўз навбатида, хорижлик сармоядорлар Ўзбекистонни инвестиция киритиш, бу ерда кўплаб йирик ва истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишда энг ишончли ҳамкор давлатлардан бири сифатида эътироф этмоқда.

**Д**арҳақиқат, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ўзимизга хос ва мос йўли — изчил олиб борилаётган оқилона ислохотлар эришган муваффақиятларимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Халқро экспертлар кичик бизнес ривожига давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратиш, соҳага кўплаб имтиёзлар бериш, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш иқтисодий юксалишнинг энг муҳим омил бўлаётганини эътироф этмоқдалар.

Юртимизда айнан шундай сиёсат юритилгани боис тарихан қисқа давр ичида тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати қудратли кучга айланиб, ижтимоий-иқтисодий барқарорлини таъминлашда асосий таянч сифатида намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектларини янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик ижроси прокуратура органларининг доимий назоратида турибди. Андижон шаҳар прокуратураси томонидан ҳам бу борада муайян ишлар ташкил этилган.

Дастлаб Андижон шаҳридаги фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари фао-

лиятини қайта тиклаш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Натижада шаҳар ҳудудидagi фаолиятини тўхтатиб қўйган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 132 нафари ўз ишини бошлади. Бу билан қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ҳ.Мўйдинжоновга "Микрокредитбанк" Андижон шаҳар бўлимидан кредит ажратилмаётганлиги сабабли ишини вақтинча тўхтатгани аён бўлган, прокуратуранинг аралашуви билан банкдан 5,5 млн. сўм кредит маблағи ажратилди ва у яқка тартибдаги тадбиркор сифатида ўз фаолиятини давом эттиришга киришди.

Андижон шаҳар прокуратураси томонидан соҳавий йўналишдаги қонунийлик аҳолига оид маълумотлар ҳам мунтазам таҳлил этиб боришмоқда. Бунда асосий эътибор "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан биргаликда, ушбу муносабатлардаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашда мансабдор шахслар, бошқарув органлари, назорат-текширув идораларининг масъ-



улиятини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ, бир хилда баҳариллигини таъминлашга қаратилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар ҳудудидagi тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилди. Ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига рўйхатдан ўтиш учун мурожаат этган фуқаролар, юридик шахслар ва уларнинг мурожаатлари қўриб чиқилиши натижалари ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳар ўн кунда олинди, ўрганиб бориш тартиби жорий этилган. Қувонарлиси, бу борада ўтказилган текширишларда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатлари аниқланмади.

Ҳокимликлар, архитектура ва қурилиш бўлиmlари, ер ресурслари ва кадастри хизматида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ер ажратиш, ер майдонлари, кўчас маълумот объектларини рўйхатдан ўтказиш борасидаги мурожаатлар ҳал этилишининг қонунийлиги ҳам ҳар ўн кунда ўрганиб боришмоқда.

Бундан ташқари, соҳавий йўналишда олиб борилаётган назорат тадбирларида тадбиркорлик билан ҳеч қандай ҳуж-

жатсиз фаолият кўрсатиб келаётган фуқаролар аниқланиб, уларнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишини таъминлаш орқали қонунбузарликлар бартараф этилмоқда. Жумладан, Андижон шаҳрида шу зайдда фаолият юритаётган 13 нафар фуқаронинг қонуний тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди.

Қайд этиш жоизки, тадбиркорларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуш, уларга тўсиқлик қилиш ва ҳуқуқларини бузиш ҳолатларини аниқлаб, уларга нисбатан тегишли чоралар қўриб келинмоқда. Бундан ташқари, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Андижон шаҳридаги "Асл Азамат Анд" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Мухаббат Қодирова "Олтинқул таъмир қурилиш" МЧЖ билан мазкур ширкат таркибиди бўлган 17 ва 20-кўп хонадонли уйлارнинг том қисмини таъмирлаш юзасидан пудрат шартномаси тузади. У ушбу уйларидаги таъмирлаш ишлари жараёнида пудратчи корхона раҳбари А.Ақромовдан таъмирлаш ишлари учун тўловни тез кунда амалга оширишини айтиб, 4,6 млн. сўмлик қурилиш материалларини олади ҳамда уларни ўз уйида баҳарилаёт-

**Исроилжон НИЗОМОВ,**  
Андижон шаҳар прокуратураси катта ёрдамчиси

ган таъмирлаш ишлари учун ишлатиш юборади ва пулини тўламайди.

Бундан ташқари, М.Қодирова пудратчи корхона раҳбари А.Ақромовга корхона томонидан баҳарилган таъмирлаш ишлари учун банкдан пул ажратилишини тезлатишини айтиб, яна унинг ишончига қиради ва бошқа шахслардан бўлган қарзини узишга, деб 500 минг сўм, ширкат аъзоларининг банк кредити учун юзга келган қарзи тўланса, банк орқали пудратчи корхонага пул чиқариб бериш шarti билан 2015 йил июль ойида 800 минг сўм пуллари олиб, қайтармай келади.

Мазкур ҳолат юзасидан "Асл Азамат Анд" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси М.Қодировага нисбатан Андижон шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилади. Тергов жараёнида тадбиркорга етказилган зарар тўлиқ қопланди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ажрими билан тадбиркорга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги эътиборга олинди, унинг аризасига қўра ярашув қўлланилди.

Андижон шаҳар прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан шаҳар ДСЭНМнинг 12 та қарорига нисбатан протест келтирилди, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Амалга оширилаётган ишлар тадбиркорларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамятидаги ўзгаришларда фаол иштирокини таъминлашга ҳизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Қолаверса, бундай тадбирлар уларни янги-янги ташаббусларга, фаолликка ундамоқда.

## Туғилганлик тўғрисида сохта гувоҳнома

Касби туманидаги "Комилон" қишлоқ фуқаролар йиғини мансабдор шахслари томонидан фуқаролар З.Файзуллаева, А.Ҳақимова ва А.Зокирова номига туғилганлик тўғрисида сохта гувоҳномалар расмийлаштирилгани аниқланди. Ҳўш, бундан кўзланган мақсад нима эди? Қалбаки гувоҳномалар нега керак бўлди?

**Ю**ртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш, ҳусусан, эътиёбдор оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш доимий эътибордаги масалалардан бирига айланган. Шу мақсадда кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби янада такомиллаштирилиб борилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги қонунни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори ана шу мақсадда қабул қилинган.

Касби туман прокуратураси томонидан мазкур қарор билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги

Низом ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаз қилишга оид бошқа қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан тумандаги "Назартепа", "Соҳибкор", "Оққамиш", "Месит", "Ҳўжаки" ҳамда "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинларида текшириш ўтказилди.

Унинг натижалари шуни кўрсатдики, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай ўзини ўзи бошқариш органларида мазкур Низом талабларини бузиш ҳолатлари учрамоқда. Масалан, "Соҳибкор" маҳалла фуқаролар йиғинида 14 ёшга ча болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлашда икки ҳолатда Низом талабига зид иш тутилганлиги аниқланди. Фуқаролар Марғуба Раупова ва Хуррият Эшмуродовага б ой мuddатга ижтимоий нафақа пуллари нотўғри тайинланиб, текшириш ўтказилган кунга қадар 183 минг сўм тўланганлиги маълум бўлди. Натижада 1 млн. 279 минг сўм миқдордаги маблағ талон-торож қилинишининг олди олинди.

"Оққамиш" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ана шундай хаталарга йўл қўйилгани аниқланди. Масалан, фуқаро Саодат Тўраевага моддий ёрдам пули нотўғри тайинланиб, тўлов қайдномаси орқали 821 минг сўм тўлаб юборилган. Маълумки, болали оила-

ларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлашда оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад миқдори ҳисобга олинади. Фуқаро В.Мажитовага оиланинг ўртача ойлик даромад миқдори белгиланган мезондан ошган бўлса-да, унга 12 ой мuddатга жами 2 млн. 842 минг сўм миқдорда нафақа тайинланган. Шунингдек, "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари ва нафақа тайинлаш комиссиясининг масъулиятсизлиги натижада Кумуш Қаримов ва Чарос Дўлоповага ортиқча нафақа тўлаб юборилган. "Ҳўжаки" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бир фуқарога Низом талабларига зид равишда нафақа тайинланганига йўл қўйилган.

Таассуфки, "Комилон" қишлоқ фуқаролар йиғинида нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича ҳужжатлар кўздан кечирилганда, булардан ҳам ачинарли ҳолатга дуч келинди. Мазкур ҚФЙ мансабдор шахслари томонидан фуқаролар З.Файзуллаева, А.Ҳақимова ва А.Зокирова номига туғилганлик тўғрисида сохта гувоҳномалар расмийлаштирилиб, уларга қонунга зид равишда жами 7 млн. 104 минг сўм миқдорда нафақа тўлаб юборилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, фуқаро Л.Холқованинг номига ҳеч қандай ҳужжатсиз нафақа расмийлаштирилган ва 2015 йил февраль, июль, август, сен-

**Ўткир ҲОШИМОВ,**

Касби туман прокуратураси катта ёрдамчиси

тябрь, октябрь ҳамда ноябрь ойларида тўлов қайдномаси бўйича ҳар ойда 236 минг 800 сўмдан, жами 1 млн. 420 минг сўм тўланган. Шу тариқа қайд этилган тўрт ҳолат бўйича жами 8 млн. 525 минг сўм миқдордаги бюджет маблағи талон-торож қилинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан мазкур фуқаролар йиғинидаги қўғирликлар юзасидан тегишли чоралар қўрилди.

Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш, кенг ошқорлик ва очиқликни таъминлаш, нафақалар ва моддий ёрдамни манзилли тайинлаш бўйича ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, айрим оилалар ва фуқароларнинг ўз иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашига интилишига йўл қўймаслик каби вазифалар юкланган. Бу вазифалар аҳамиятини ҳис этмаслик ва масъулиятсизлик юқоридagi каби ҳолатларга олиб келишини унутмаслик лозим.

# Вазифалар белгилаб олинди

Хоразм вилоят прокуратурасининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси органларининг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2015 йилдаги фаолияти яқунлари ва навбатдаги вазифалари муҳокама этилди.

Ўтган йилда вилоят прокуратураси органлари томонидан вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, прокурор назоратининг барча соҳаларида аниқланган қонунбузилишларга муносабат билдириш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг туб сабабларини аниқлаш ва бартараф этишга, би-

ринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика чораларининг таъсирчанлигини оширишга асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун ишларни аниқ мақсад ва тахлиллар асосида тўғри ташкил этиш, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тахлилий фаолият самарадорлигини ошириш чоралари кўрилди.

Мажлиса таъкидланганидек, 2015 йилда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш борасида ўтказилган текширишлар яқунда 2800 тага яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. Протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 786 та қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатлари қонунларга мослаштирилди, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари 800 та тақдимнома орқали бартараф этилди, 2100 нафардан ортиқ мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Иқтисодийоти либераллаштириш, божарувиинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Айнисқа, Ўртбошимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва тегишли қонунлар ижросини таъминлаш устидан назорат кучайтирилди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига прокурорлар аралашуви билан 1430 нафар тадбиркорнинг турли муаммолари ҳал этилишида қонуний ёрдам берилди.

Мажлиса вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

Мансурбек САФАЕВ,  
Хоразм вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

қилиш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларга танқидий ёндашилиб, бу йўналишдаги тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилган, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

## Тадбиркорлар ҳуқуқлари таъминланмоқда

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилмоқда. Бу ўз ўрнида, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини янада оширишнинг муҳим омили бўлаётир.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги чора-тадбирларни янада изчил давом эттириб, сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқди.

Мазкур Фармонга асосан 2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун ҳужжатларининг асосий мақсади мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ва тўсиқликлар учун жавобгарликни, шу жумладан, жиноий жавобгарликни янада кучайтириш, бундай ҳолатлар бўйича айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги принципни қатъий таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг ролини янада ошириш ҳамда дав-

лат идоралари томонидан тадбиркорларга имтиёз ва преференцияларни сўзсиз қўллаш тартибини жорий этишдан иборатдир.

Мазкур соҳада туман прокуратураси томонидан ўтган 2015 йилда белгиланган текширишлар ўтказилиб, қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва қонун талабларига мувофиқлаштириш юзасидан 11 та протест келтирилди, қонунбузилиши, уларни келтириб чиқараётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича 2 та тақдимнома киритилди, прокурорнинг қарори ва тақдимномасига асосан 2 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 25 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Жумладан, туман ҳокимининг 2015 йил 4 апрелдаги қарори билан туман ҳокимлиги тасарруфига кирувчи қорхона ва ташкилотлар, шу жумладан, 25 та кичик бизнес субъектларига қора металл парчалари ва чикиндиларини тўплаб, кўрсатилган жойга топшириш ҳамда ушбу топширишни ойма-ой бажариб бориш бўйича вазифалар юкланган.


"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 34-моддасида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятга аралашушга ҳақли эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, "Рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида маҳаллий давлат ҳоки-

Адҳамжон МАМАТАЛИЕВ,  
Қува туман прокурори

мияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида ҳўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашуши, айрим ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланиши, шунингдек товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсиқлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Туман ҳокими ушбу қарорнинг учинчи ва бешинчи бандлари қонун талабларига зид бўлганлиги сабабли бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштириш юзасидан протест киритилди ва 25 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорларининг аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатилган. Туман прокуратурасининг барча тезкор ҳодимлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳар кун қабул қилиш ва уларга тумандаги бошқа қорхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ёрдам бериш йўли билан мавжуд муаммоларини ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.



Ўзингизни тунаган кимсалар яқин танишигиз, дўстингиз ёки қариндошингиз бўлиб чиқса, қай аҳволга тушасиз. Содиқ Нигматуллаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзининг божаси Жаҳонгирга кўп йиллардан бери ҳавас билан эмас, ҳасад кўзи билан қараб юрган экан.

## Ўзингдан чиққан балога...

Кунларнинг бирида Жаҳонгир божасига кўнгирик қилиб, шиканлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Туман ҳокими ушбу қарорнинг учинчи ва бешинчи бандлари қонун талабларига зид бўлганлиги сабабли бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштириш юзасидан протест киритилди ва 25 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Илҳом АЙДУСОВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим бошлиғи

лаб, воқеа жойидан яширинадилар.

Бундан ташқари, судланувчи С.Нигматуллаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ясалган калитни шериги Сардор Абдурахимовга топширади. Эртаси кун бу кимса ҳам таниши Олим Комилжонов билан яна ўша хонадонга "ташир" буюради. Улар ўзининг ётоқхонасидан жами 14 млн. 609 минг сўмлик калитни тилла тақинчоқларни ўғирлаб кетишади. Хуллас, хонадон эгаларининг уч кун давомида уйда бўлмасликларини билган ўғирлар ўз қилмишларини бамайлихотир амалга оширадилар.

Жабранувчиларнинг аризаси бўйича тергов ва суриштирув ишлари бошланади. Тезкор тахлиллар натижаси ҳамда суриштирув жараёнида ўз божасининг мулкни талон-торож қилган шахснинг қилмишлари ошкор бўлди.

Суд ҳукми билан Содиқ Нигматуллаев, Сардор Абдурахимов ва Олим Комилжовлар қилмишларига яраша бир неча йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳозирги кунда юртимизда барча соҳаларда илмий ислохотлар олиб боришмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият олиб беришлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда.

## Чап бергани панд берди

Аҳад **ЗОХИДОВ**,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Яккасарой туман бўлими суриштирувчиси

Бундай имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз бизнесини йўлга қўйиб, яхшигина даромадга эга бўлаётган тадбиркорлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Афсуски, гуруч қурмаксий бўлмаганидек, улар орасида қонунга чап бермоқчи бўлганлар ҳам учраб турибди. Жонибек Асадов ва Вера Семенова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)лар шундай кимсалар тоифасига киради.

"Shosh agro dizeil" МЧЖни ташкил қилган Жонибек Асадов директорликка Вера Семеновани тайинлайди. Норасмий раҳбарнинг "чизган чизигидан нарига ўта олмайдиган" директор "бошлиқ"нинг барча кирдикорларига шерикчилик қилади.

2015 йилнинг апрель ойида "ТТЗ" ОАЖ омибидан 5028 кг. "Латун" метали олиб чиққан Жонибек уларни вақтинча сақлаб туриш мақсадида Сергели туманидаги автомашиналар турар жойидаги контейнерлардан бирига жойлаштиради. Эртасига ушбу махсулотнинг бир қисмини бир танишидан мавжуд бўлган қарзини қоплашга сарфлайди-да, "мол"нинг қолганига харидор қидиришга киришади. Кўп ўтмай миқоз ҳам топилади. Анвар исмли шахс унга қўнғирок қилиб, "Латун" метали сотиб олмақчилигини айтади. Харидор билан савдонини пишириб олгач, фурсатни қўлдан бой бермай учрашув жойи томон ошиқади. Белгиланган манзилда миқоз билан қўришиб, оғирлиги 3700 кг. бўлган "мол"ни 14 минг 600 АҚШ долларига пуллаётган вақтида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Яккасарой туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинади.

Шундан сўнг унинг бошқа қилмишлари ҳам бирин-кетин ошкор бўла бошлади. Маълум бўлишича, Ж.Асадов "Shosh agro dizeil" МЧЖга Яккасарой ҳокимлиги томонидан улгуржи савдо фаолияти амалга оширилиши учун берилган лицензияни сохталаштириб, МЧЖ директори билан тил бириктирган ҳолда, "Тошкент трактор заводи" ОАЖдан харид қилинган 306 млн. сўмликдан ошиқроқ нархдаги қишлоқ хўжалиги техникаси ва махсулотларини нақд пулга сотиб юборган экан. Ушбу олгилар қассани эмас, қиссани ўйлашганида вақти келиб қилмишлари фош бўлишини ўйламаган қўринишади. Уларнинг бу ҳаракатлари натижасида жамият томонидан 17 млн. сўмликдан зиёдроқ солиқлар тўланмасдан давлат манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Нақдига ишқибоз бўлиб қолган МЧЖ мутасаддилари жиноий ҳаракатларини давом эттириб, бу сафар "Тошкент трактор заводи" ОАЖдан қабул қилиб олинган 21 млн. сўмликдан ошиқ товар-моддий бойликларни ҳам сотиб юбориб, пуллари жамиятга қирим қилиши ва банкка топшириши хаёлларига келтиришмайди.

МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган текширишда қилмишлари фош бўлишидан ҳадиксираган жамият раҳбарлари қатъий ҳисобда турувчи молиявий фаолиятга оид ҳужжатларни тақдим қилмасдан яширишга уринишди. Сабаби эса аён...

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди томонидан жамиятнинг норасмий раҳбари ва директорига нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Талабаларга эзгулик, рост-гўйликдан сабоқ берувчининг ўзи нопок ишга қўл урди. Зоҳиран ҳалолу пок бўлиб кўринган, олий ўқув даргоҳида айнан маънавият ва маърифат ишлари бўйича леқан ўринбосари лавозимида ишлаган педагог тубанликка юз тутай.

Ёлгон ваъдани қуюқ қилиб, воситачидан олган пулни чўнтагига жойлади. Унинг ортидан ташқарига чиқди. Зинада нотаниш одамга қўзи тушди-ю, ундан шубҳаланиб, чўнтагидаги пуллари паства ташлади. "Тан олмайман, бўйнимга қўйиша олмайди", дея хомтама бўлди. Сувдан қуруқ чиколмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига жиноий шериги — воситачидан олган уч юз долларнинг чўнтагида қолган юз долларини чиқариб берди. Бўйин товлаш бехудалигига ақили етиб, абитуриентни ўқишга қиритиб қўйиш эвазига пора сўраб олганига иқроор бўлишдан ўзга чораси қолмади.

Икки нафар аёл Фаргона Давлат университетининг педагогика факультетида диспетчер бўлиб ишлов-

## Маънавий қашшоқлик

чи Шахло Толиповага (исм-фамилиялар ўзгартирилган) рўпара бўлишди.

— Жиянимиз Зухра ўқитувчиликни ҳавас қилади. Ҳужжатларини қайси йўналишга топширсак экан? — деб сўрашди.

— Агар қизишга қобилияти бўлса, рассомлик йўналишига, жисмоний тайёргарлиги яхши бўлса, хотин-қизлар спорт йўналишига топширгани маъқул, — дея диспетчер йўл-йўриқ кўрсатди.

— Маслаҳатлашиб кўрамиз, — дея аёллар диспетчерга телефон рақамларини берди.

Орадан бир ой ўтгач, яна учрашиб, педагогика факультетининг рассомчилик йўналишига ҳужжат топшириш ниятида эканликларини айтишди.

— Илтмос, Зухрани қўлаб юборинг.

— Домлага айтиб кўрай-чи...

Ш.Толипова жисмоний маданият факультети деканининг ўринбосари Иқбол Эргашевага учрашди.

— Танишлар жиянини "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси"

Шукрулло **КУНДУЗОВ**,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фаргона  
вилоят бошқармаси катта инспектори

йўналишига ўқишга қиритиб қўйишни илтимос қилишяпти. Ёрдам берсангиз, — деди.

— Комиссия аъзолари билан гаплашаман, ижодий имтиҳонда юқори баҳо қўйдириб бераман, — деб И.Эргашев шартини айтди. — Уч юз доллар билан ўқишга кириб олади.

Ш.Толипова Гуллола опанинг телефон рақамига СМС хабар юборди. У етиб келгач, домланинг шартини айтди.

"Одам деган шунчалик паст кетадими, тагин маънавий бўйича декан ўринбосари-я!", дея Г.Жалолова ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Суд ўқишга қиритиб қўяман, дея алдаб, фирибгарлик ва пора олиш жиноятини содир этган факультет диспетчери ва деган ўринбосарига қилмишларига мувофиқ жазо тайинлади.

## Қинғир иш ёҳуд текин даромад

Рустам **ЭЛМУРОДОВ**,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Ғузур туман бўлими бошлиғи

Ғузур туманидаги Ўзбекистон кўчасида қўлашган кўча шохобча бир қараганда жиш эътиборини тортмасди. Аммо унинг олдида одамлар тез-тез келиб туришар, шохобчанинг фаолияти қонунийми ёки қонунга хилофми, бунга ҳеч ким қизиқмасди.

Фуқаро Б.Шарипов ҳам шу жойдан ўтиб бораркан, кўнглида пластик картасидаги маблағини нақдлаштириш фикри туғилди. Шохобчага келиб, у ерда ўтирган Темураев Жўраевга пластик картасини узатди. Темураев одатдагидек, "пластик"дан 100 минг сўм маблағни ечиб олиб, Б.Шариповга 87 минг сўм пул узатди. Пешона тери эвазига топган пулни кўз олдида ўмариб турган бу кимсанинг қилмишидан ҳаҳли чиққан Б.Шарипов "Юлғичлик ҳам инсоф билан-да!", дея унинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан СВОЖЖДЛҚК департаментининг туман бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда рўйхатга олинмаган кўча шохобча ташкил этиб, одамларнинг пластик карталаридаги маблағларини савдо терминали орқали ечиб, 13 фойз ҳақ эвазига нақдлаштириш билан шугулланиб келаётган Темураевнинг кирдикорлари фош этилди. Тадбир жараёнида унинг ёнидан 5 млн. 660 минг сўм нақд пул, Шахрисабз туманида фаолият кўрсатиб келаётган яқка тартибдаги тадбиркор Шукрулло Шароповга тегишли савдо терминали, 280 донна турли пластик карталар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Тўпланган ҳужжатларга кўра, Темураев ва яқка тартибдаги тадбиркор Шукрулло Шаропов 2014 йилнинг июнь ойидан 2015 йилнинг 20 февраль кунига қадар ҳамма 353 млн. 418 минг сўм пул маблағини 13 фойз ҳақ эвазига нақдлаштириб бериш билан шугулланиб, савдо қондаларини жуда кўп миқдорда бузишганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят иш қўзғатилиб, уларга суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.



## Хулоса чиқармаган раис

Гулмухаммад **САЛИЕВ**,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Қўрғонтепа туман бўлими катта суриштирувчиси

Биламизки, маҳалла халқимизга хос ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб ва таъсирчан тизими ҳисобланади. Давлатимиз томонидан юртимизда мавжуд маҳалла фуқаролар йиғини орқали аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, бугун аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда маҳалла муҳим ўрин тутмоқда. Бироқ, маҳалла фаоллари томонидан амалга оширилмаётган ижобий ишларга қарамасдан, уларнинг айримлари томонидан моддий манфаат кўриш мақсадида турли қинғирликларни содир этиш ҳолатлари афсуски, учраб турибди.

Бундайлар сирасига қўрғонтепалик Мунира Ибрагимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)ни мисол қилиб келтириш мумкин. У 2013 йилнинг охирида Қорасув шаҳридаги "Пахтачи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида иш бошлаганида аввалига фидойи, жонқуяр, аҳолининг турли масалалардаги мурожаатини эшитиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб келади. Бироқ, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилишда ўз манфаатини устун қўя бошлади. Чунончи, мансаб ваколатини суистеъмол қилган МФЙ раиси нафақа ва моддий ёрдам пуллари тайинлашда бу борадаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган талабларни қасддан бузади. Хусусан, 2013 йилнинг декабрь ойидан 2014 йил сентябрь ойига қадар мазкур МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаролар — О.Насриддинова 193 минг, Д.Исроиловага 384 минг, А.Ҳасановага 48 минг, Г.Обиджоновага 307 минг, О.Ашуровага 577 минг, Н.Тўйчиевага 288 минг, Ё.Абдурахмоновага 97 минг, Ж.Тўланбоевага 230 минг сўм, ҳамма 15 нафар фуқарога 5 млн. 315 минг сўм пулни тўлаб, давлат маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-тороқ қилади.

Мазкур ҳолатлар юзасидан унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йилги амнистия тўғрисидаги қарорига асосан айбллилик масаласи ҳал этилмасдан ҳаракатдан тўхтатилган эди.

Шундан сўнг, М.Ибрагимова "Пахтачи" МФЙ раиси лавозимида ишини давом эттирди. Аммо у давлатимиз ва халқимизнинг бағрикенглиги, кечирувчанлигидан тўғри хулоса чиқармаган экан. Фаолиятини қонуний равишда амалга ошириш ўрнига у энди порахўрлик жиноятига қўл урди. Худудда яшовчи фуқаро З.Зийиддиновага 2 ёшгача боласининг парвариши учун нафақа пулини тайинлаш эвазига ундан тамағирлик йўли билан 100 АҚШ долларини пора тарикасида олаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг ҳукми билан Мунира Ибрагимовани тегишли жазо тайинланди.

## Сафарбарлик чақируви резерви:

## Тартиб янада такомиллашди



Истиқлолдан кейин тарихан қисқа муддатда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида армиямиз изчил равишда ривожланди. Замон талабларига жавоб берадиган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ихчам, давлатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга қодир миллий армиямизга эга бўлди.

2002 йил 12 декабрь кунги янги таҳрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун билан жорий қилинган сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тури ҳам ушбу соҳада ўтказилган ислохотлардан бири бўлди. Хусусан, қонунчилигимизга кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддати кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинди.

Ушбу ҳарбий хизмат тури

ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилади.

Фуқаролар йиғирма етти ёшга тўлганга қадар сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинди ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин. Фақулдада вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий таъвоуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга қақрилади. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган

фуқаролар йиғирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказилди. Бу борада 2003 йил 22 февралда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган.

Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташ тартиби ҳам такомиллашиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 сентябрдаги қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2003 йил 22 февраль кунги қарорига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ёдга оладиган бўлсак, аввалги таҳрир бўйича агар навбатдаги тўловни тўлаш пайтигача республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарадиган бўлса, у ҳолда бадалнинг қолган қисми энг кам ойлик иш ҳақининг янгидан белгиланган миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланар эди. Киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра эса, энди-

ликда бадал суммаси шартнома имзоланган кунда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори асосида белгиланади ва шартномада кўрсатилган пул бадалининг миқдори ўзгармайди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомга 9-1, 9-2 ва 9-3-бандлар киритилди. Уларга кўра, пул бадалларини тўлаган, бироқ ҳарбий йиғинлардан ўтмаган сафарбарлик чақируви резерви хизматчиси ҳарбий хизматга яроқсиз, деб эътироф этилганда, унга тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан I ёки II гуруҳ ногиронлиги берилганда қайтариб берилади. Сафарбарлик чақируви резерви хизматчиси вафот этган тақдирда эса тўланган пул бадаллари унинг яқин қариндошига, меросхўрига, вазирлиги ёки ҳоимисига қайтарилади. Бошқа ҳолатларда махсус ҳисоб рақамига ўтказилган пул бадаллари қайтариб берилмайди. Шунингдек, ортиқча тўланган, шу жумладан, Махсус ҳисоб рақамига янглиш ўтказилган пул бадалларини қайтариш тартиби "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-

Саидобит ЖУРАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий  
прокурорининг катта ёрдамчиси

нинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Яъни мазкур Низомга киритилган 9-2 ва 9-3-бандларга кўра, тўланган пул бадалларини қайтариш, шунингдек, ортиқча тўланган, шу жумладан, Махсус ҳисоб рақамига янглиш ўтказилган пул бадалларини қайтариш тартиби белгиланган бўлади.

Ушбу жараёнда ортиқча тўловни амалга оширган ёки маълум сабабларга кўра, пулларини қайтариб олиш мажбурияти юзага келган фуқаролар маблағлар Махсус ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисидаги қвтанцияларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда (ҳарбий ҳисобга қўйилган жойдаги) мудофаа бўлими томонидан қўриб чиқилади ва белгиланган тартибда ҳал этилади.

Хулоса қилиб айтганда, киритилган мазкур ўзгаришлар сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат турининг янада такомиллашувига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

## Ер умуммиллий бойлигимиздир

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлоднинг манфаатларини кўзлаб, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, ҳўжалик юришнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

Олимжон НАВРЎЗОВ,  
Сурхондарё вилоят прокуратураси  
булим прокурори

Ўтказилган мониторингларда фуқаролар ва фермер ҳўжалиги раҳбарлари томонидан ер майдонларидан ноқонуний фойдаланганлик ҳолатлари аниқланди. Масалан, Сариев туманидаги собиқ "Парвиз Гулистон" фермер ҳўжалиги раҳбари К.Махмаров фермер ҳўжалигининг саккиз сотих ерлини фуқаро С.Наимовга 4000 АҚШ доллари, ўн сотихини фуқаро М.Қурбоновага 2500 АҚШ доллари, яна ўн сотихини фуқаро А.Бекмуродовга 6000 АҚШ доллари, фуқаро А.Зикриёевга ҳам ўн сотих ерни 4000 АҚШ долларида сотиб юборганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан К.Махмаровга нисбатан қонуний жазо берилди.

Шунингдек, тумандаги "Хайруллаев Шавкат даласи" фермер ҳўжалиги раҳбари Ш.Хайруллаев ҳўжаликнинг пахта ва галла экиладиган ер майдонидан 12 сотихини С.Гулмирзаевага 25 млн. сўмга, 8 сотихини У.Ашуровга 5 млн. сўмга сотгани учун унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳўкми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, умуммиллий бойлигимиздан ҳеч кимнинг ҳўжасизларча фойдаланишига йўл қўйилмайди. Зеро, ер нафақат ҳозирги авлод, балки келажак авлодларимизнинг ҳам яшаш макони, ҳам ишлаб чиқариш базаси ҳисобланади. Шунинг учун уни муҳофазалаш ва ундан оқилона фойдаланиш зарур.

Мамлакатимизда рақобатбардош, экспортбоқ маҳсулотлар яшлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ортиб бормоқда.

## Доимий эътибор самараси

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлар учун имкониятларни янада кенгайтириб, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилмоқда.

СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан фармонда тадбиркорларга яратилган имтиёз ва шарт-шароитлар мунтазам равишда тарғиб қилиб боришмоқда. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилиб, хусусан, ушбу ҳўжат бўйича тайёрланган радиороликлар вилоятимизнинг барча ҳудудларида эфирга узатилмоқда. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, яратилаётган имтиёзлар тўғрисида 2920 мартаба тадбир ўтказилган. Шундан 1856 та сўз оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинган бўлса, 1064 таси маъруза ва сўхбатлар тарзида ўтказилди.

Тошкент вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда вилоятдаги барча давлат идораларининг раҳбарлари иштирокида ҳудуддаги 9 та туман-шарҳларда тадбиркорлар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган қонунлар, давлат дастурла-

Рустамжон РАҲИМОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент  
вилоят бошқармаси бўлим инспектори

ри ва ҳукуматимизнинг тегишли қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида очик мулоқот кўринишида учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, яширин фаолият юртивчиларга ҳуқуқий таъбир чораларини қўллаш билан бир вақтда, уларнинг фаолиятига қонуний тус бериш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада муқаддам ноқонуний фаолият юритган 168 нафар фуқаронинг белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинишига ва 297 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Жумладан, Зангиота туманида фуқаро Ф.Фадиров давлат рўйхатидан ўтмасдан кийим-кечаклар тикиш фаолияти билан яширин равишда шуғулланаётганлиги аниқланди, унга кўрсатилган амалий ёрдам натижасида яширин цех ўрнида "Universal textile group" МЧЖ ташкил этилди ва 15 нафар аёл иш билан таъминланди.

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай эътибор миллий иқтисодий таъминоти барқарор ривожлантириш, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда йил сайин ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Кийим ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларига асосан, прокуратура органлари зиммасига катта вазифалар юкланган бўлиб, бу борада Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан доимий равишда назорат тадбирлари олиб боришмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари томонидан 2015 йилда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирлари натижасига кўра, 1562 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди.



Наргизахон Сиддиқова дастлаб Фарғона шаҳар почта алоқа тармоғининг пул жўнатмалари ва матбуот тарқатиш бўлимида оператор бўлиб ишларди. 2012 йилнинг октябрь ойида бўлим бошлиғи этиб тайинланади. Ушбу бўлимнинг вазифаси электрон пул ўтказмалари тизимига уланган почта тармоғига нақдсиз ва нақд пул жўнатмаларини узатиш, шунингдек матбуот нашрларини эгаларига етказишдан иборат эди. Н.Сиддиқова икки йил мобайнида бўлимдаги иш жараёнини пишиқ-пухта ўрганганидан кейин келиб тушаётган пуллاردан фойдаланишга астойдил бел боғлайди. Бироқ...

## Почтадаги олғирлар

Почта бўлимида пул жўнатмалари оператори бўлиб бир киши ҳамда кассадаги компьютерда бир киши, жами икки ходим ишларди. Мана шу Н.Сиддиқовага ёқмасди. Боиси, унинг қилмишларини икки киши билса, сир бўлмай қолар эди-да. Уйлай-уйлай Н.Сиддиқова бунинг йўлини топади. Унинг ташаббуси тармоқ бошлиғига маъқул келиб, иш жадвали ва мароми ўзгартирилади. Икки нафар оператор вазифасини бир ходим бажарадиган бўлади. Н.Сиддиқова ушбу вазифага назарида ишончли, уйдаги гапни кўчага чиқармайдиган фуқаро Нодирахон Муроталиевага тақдир қилади. У 2014 йилнинг февраль ойидан оператор вазифасида ишлай бошлайди. Н.Муроталиева кассада нақд пуллари қабул қилиш ҳамда нақдсиз пул жўнатмаларини компьютер базасига киритиб беришга киришади. Шунингдек, жойлардаги 20 та почта алоқа бўлимларида компьютер йўқлиги сабабли улар амалга оширган жўнатмаларни ҳам компьютерга киритиш унинг зиммасига юклатилади.

Қонун-қоидада биноан пул жўнатмаси келганидан сўнг унинг олувчисига телефонда, агар бу имконият бўлмаса, ёзма билдиришнома орқали хабар берилади. Муайян муддатда жўнатма олинмаган тақдирда архив ҳолатига ўтказилади. Эгаси, манзили ноаниқ бўлиб чиққанлари ёхуд хабардор қилингандан кейин олинмаганлари муайян муддатдан сўнг ортга қайтарилиши белгилаб қўйилган. Алимент ва келиб тушган бошқа пул жўнатмалари бевосита пулни олувчилик томонида шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспортнинг маълумотлари асосида тўлдирилган махсус бланк-квитанция имзолангач, тўланади.

Дастлаб Н.Сиддиқова кассага тушган нақд пулларнинг бир қисмини оператордан олиб ўз билганича сарфлаб, ой охирида қайтариб бериб юради. Бу ҳақда Н.Муроталиева ҳеч кимга миқ этмай, раҳбарнинг "ишончи"ни оқлайди. Н.Сиддиқова ўзидаги икки нусха бланканинг бир нусхасини жўнатман олувчи номидан тўлдириб, сохта имзо чекиб операторга беради ва "Пул зарур бўлиб қолди, тўғрилаб беринг", дейди. Н.Муроталиева кўрсатилган миқдордаги пулни бериб, пул гўё эгасига топширилганини компьютер

Нуридин АСҚАРОВ,  
Фарғона шаҳар прокуратураси  
катта терговчиси

хотирасига киритиб қўяди-ю, хавотирга тушади. "Бир гапи чикмасмикин..."

— Хавотир бўлманг, пулни сўраб келса, иккинчи нусхадаги бланкани ўзига тўлдиргиздириб бераверамиз, — дея Н.Сиддиқова операторини хотиржам қилади.

Ишқал чиқмай, иш силлиқ кечаётгани бўлим бошлиғининг иш-таҳасини очиб юборади. Юқоридагидек йўсинда келиб тушган алимент ва жўнатма пуллари кассада олиб, ўз эҳтиёжига сарфлайверади. Жўнатма юборилганидан хабардор бўлиб, сўраб келганга, "Архивга ўтказиб қўйилган, Тошкентдан рухсат олинса, пулингизни берамиз", дейди. Телефон рақамини ёзиб олади. Орадан икки-уч кун ўтгач, чақириб, бланкани жўнатман олувчининг ўзига тўлдиртиради. Сўнгра бўлим бошлиғи ўзи олиб сарфлаб юборган жўнатма пулни ўзининг ҳамёнидан тўлайди, яъни кассир орқали эгасига топширади. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверади.

Хуллас, алимент пуллари вақтида берилмаётгани хусусида фуқаролардан ҳуқуқ-тартибот идораларига келиб тушган мурожаат бўйича шаҳар почта алоқа тармоғининг пул жўнатмалари бўлимида текшириш ўтказилади. Текшириш бошланиши билан Н.Сиддиқова уч-тўрт ой муқаддам жўнатилган, эгаларига топширмай, ўзлаштириб юборган пуллари сўраб келганларга, "Архивга олиб қўйилган эди", дея ўзининг ёнидан тўлаб, жиноятини яширишга уринади. Бироқ текширишларда унинг қилмишлари маълум бўлади. Бу аёл юқорида таъкидлаб ўтилган усулда 69 та ҳолатда, жами 12 млн. 912 минг сўмдан зиёд алимент ва почта жўнатмаси пуллари ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборган экан. Лекин кейинчалик ушбу пуллари эгалари сўраб келгандан сўнг 9 млн. 950 минг сўмини ўз ёнидан тўлашга мажбур бўлади. Қолган салкам 3 млн. сўм миқдоридаги 20 та пул ўтказмаларини эса эгаларига қайтариб бермайди.

Суд шаҳар почтасидаги олғирларга қилмишларига мувофиқ жазо тайинлади.

## Ёмоннинг касри

Инсон умри давомида эзгу амаллари билан ҳурматга сазовор бўлади. Аммо бир неча бор такрорий жиноятларга қўл урса, ундайларга нисбатан ижобий фикр билдира олмайсиз

Жамшид Фазлиддинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) учун суднинг қора курсида ўтириш гўё "одадий ҳолга" айланиб бўлганди. У оила қуриш ўрнига Қуйичирчиқ туманида яшовчи Натали Пердешова билан уч йилдан ортиқроқ вақт мобайнида никоҳсиз яшаб келган экан. Муқаддам содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлганига ҳеч қанча вақт ўтмай Жамшид янги жиноятга қўл уради. У ярим тунда Қуйичирчиқ туманида яшовчи "махбуба"-си Наталининг уйига йўл олади. Жамшиднинг бемаҳал келганидан Наталининг отаси Александр Пердешовнинг жаҳли чиқади. У азалдан Жамшиднинг ёқтирмаслиги сабабли улар ўртасида баъзан келишмовчилик бўлиб турарди. Бу сафар ҳам жаҳли чиққан ота ўзини ушлаб туролмади:

— Жамшид, сени ким чақирди? Қолаверса, ярим тунда нима бор сенга, бу ерда...

Қизнинг отасидан гап эшитиб олган Ж.Фазлиддинов ҳам индамасдан туролмади.

— Натали иккимиз бир-биримизни яхши кўрамиз, шунинг учун уйингизга хоҳлаган пайтимда келавераман. Яхшиси сиз кириб ухланг!..

Уларнинг ўзаро жанжалларини Натали эшитиб, Жамшиднинг олдига чиқади. Александр қизининг йигитидан эшитган гаплари учун баттар асабийлашиб кетади. Уларнинг бу сафарги жанжаллашуви муштлашув билан давом этади. Жамшид А.Пердешовнинг юзига бир неча мартаба уриб, уни ерга йиқитиб олгач ҳам уришдан тўхтамайди. Муштлашув натижасида Александр ҳушидан кетиб қолади. Ж.Фазлиддинов ўша заҳоти воқеа жойидан жуфтакни ростлайди.

Аёлни гулга қиёслашди. Аммо, жиноятга қўл урган аёлларни эса бамисоли гулзорда ўсган тиканга ўхшатиш мумкин. Минг афсуски, чексиз ҳурматга лойиқ бўлган нозик хиёқатлар орасида уларнинг шайнига доғ тушураётган, ўз латофатини унутиб, розолат ботқоғига ботаётган хотин-қизларимизнинг учраши ачинарли ҳолатлар.

## Гиёҳфорушлик оқибати

Урганчилик, 4 нафар фарзанднинг онаси Гулором Ҳайитова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундайлардан бири экан. У Россия Федерациясида тожикistonлик "Зафар" исмли шахсдан 121,4 грамм героин гиёҳвандлик воситасини олиб, яширин йўлар билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришни режалаштиради. 2015 йилнинг март ойида мазкур "юк" ортилган "Нексия" русумли автомашина ЙПХ масканида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тўхтатилиб, текшириб кўрилганида юкхонасидаги кир ювиш машинаси уларда шубҳа уйғотади. Машина гувоҳлар иштирокида кўздан кечирилганида унинг мотор қисмида целлофан пакетга солинган 121,4 грамм героин гиёҳвандлик воситаси юртимизга контрабанда йўли билан олиб келинаётганиги аниқ-

Бахтиёр САИДОВ,  
Тошкент вилоят прокуратураси  
бўлим катта прокурори

Бақир-чақир овозлардан уйғониб кетган Наталининг синглиси Фаина отасининг ҳушсиз ётганини кўриб, дарҳол "тез тиббий ёрдам"га қўнғироқ қилади. Шифокорлар А.Пердешовнинг ҳушсиз ётганини кўриб, икки ишлар бўлимига хабар қилишади.

Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ва тергов ишлари бошлаб юборилади. Александр олган тан жароҳатлари билан Қуйичирчиқ тумани марказий касалхонасига ётқизилади. Аммо у муштлашув давомида олган тан жароҳатлари туфайли ҳушига келмайди. Орадан бир неча кун ўтиб, А.Пердешов оламдан кўз юмади.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, А.Пердешов ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказилганлиги оқибатида вафот этганлиги аниқланган.

Маъзур жиноий иш юзасидан олиб борилган тергов натижалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва тўпланган далиллар асосида суд ўз ҳукмини эълон қилди. Унга кўра, Жамшид Фазлиддинов ўта хавфли рецедивист деб топилди ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



Марал БЕРДИКИЛЧОВА,  
Урганч шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси

ланади. Ҳаётда оқ қорани таниган, ярим асрни яшаб қўйган Гулором Ҳайитованинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. На чора, қилмиш — қидирмиш деганларидек, суд ҳукми билан Г.Ҳайитова узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ана шундай жиноят кўчасига кириб қолганлардан яна бири вилоят руҳий ва асаб касалликлари диспансерида катта ҳамшира бўлиб ишлаб келган Н.Олимовадир. У ўзи билан бирга ишлаган С.Наров билан жиноий тил бириктиради. Шифокор тавсияси асосида берилиши лозим бўлган дорини беморларга бермасдан, қонунга хиёф равишида сотиб келган экан. Жумладан, ўтган йилнинг февраль ойида С.Наров ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбирга 50 дона психотроп дори таблеткаларини 122 минг сўмга сотган вақтида қўлга тушди.

Суд ҳукми билан Н.Олимова ва С.Наровларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.





# Сув муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва тақдирлари

Судан оқилона ва тежамли фойдаланиш бугунги кунда ер шароити учун энг долзарб муаммолардан бири саналмоқда. Чунки, сув ресурслари инсоният ҳаёти ва фаолият кўрсатиши учун энг зарур табиий ресурс, ўрнини босиб бўлмайдиган табиат бойлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов таъкидлаганидек: "сув захираларининг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда инфлослангани катта таъсир тугайди". Сув ресурслари инсоният ҳаёти ва фаолият кўрсатиши учун энг зарур табиий ресурс, ўрнини босиб бўлмайдиган табиат бойлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов таъкидлаганидек: "сув захираларининг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда инфлослангани катта таъсир тугайди".

Маълумки, сайёрамаздаги чучук сувлар захирасининг 98 фоизи ер ости сувлари ҳисобига тўғри келади, лекин уларнинг тенг яри ер юзасидан 800 метрдан ортиқ чуқурликда жойлашган. Бундай чуқурликдаги сувни юқорида чиқариш кўп куч ва маблағ талаб қилади. Чучук сув захирасининг 1,47 фоизи ер усти қўлларида ва фақат 0,1 фоизигина дарё ва сойларда жамланган бўлиб, одамзод фақат шу сувларни истеъмол қилади, холос.

Кўриниб турибдики, истеъмолга яроқли сувларнинг захираси жуда кам бўлиб, бунинг устига улар инсоннинг нотўғри фойдаланиши таъсирида йил сайин камайиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозирги кунда Ер шароитининг 40 фоизи жойлашган 80 та мамлакатда ичимлик сувининг тақсирлиги сезилмоқда. Айниқса, 1 млрд. аҳолини қамраб олган ривожланган мамлакатларда кишилар тоза ичимлик суви истеъмолда жиддий қийинликларга дуч келишмоқда, етарлича тозаланмаган суви истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили тахминан 10 млн. киши ҳаётдан кўз юммоқда. Жаҳон Банкининг таҳлилига кўра, XXI асрнинг ўрталарига бориб дунё аҳолисининг 40 фоизи чучук сув истеъмолда яшашга мажбур бўлади, 20 фоиз аҳоли эса қариб чучук сувсиз яшашга тўғри келиши тахмин қилинмоқда.

Вужудга келган ушбу ҳолатдан чиқиб кетиш йўлидан бири сифатида дунё ҳамжамияти томонидан Барқарор ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилиб, унда сув ресурслари муҳофаза қилиш, сув объектларидан оқилона фойдаланиш асосий муаммолардан бири сифатида белгиланди. БМТ томонидан сув муаммосига бағишлалган ўтказилган саммитларда Бутунжаҳон барқарор ривожланишнинг асоси сифатида бешта асосий муаммо — сув ва канализация, энергия, соғлиқни сақлаш, кишлоқ хўжалиги ва биохиммаҳиллик алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Бунда сув муаммоси бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асоси эканлиги туфайли ҳам биринчи ўринда турибди.

Сув муносабатлари соҳасида ҳавфсизлигини таъминлаш, барқарор ривожланишни амалга оширишда жамият, табиат ва инсон ўзаро муносабати мувозанатини бугунги кун талаблари даражасида тартибга солишга қаратилган, мукамал тақчиллиги етган сув қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бугунги кунда сув қонунчилиги экологик тангликни бартаф элишига лозим даражада қўмақлашарти деб бўлмайди. Аксинча, у декларатив характердалиги,

муносабатларни тартибга солишда тегишли мурувватсизлиги билан кўзга ташланмоқда. Сув қонунчилигининг яна бир камчилигини шунда кўриш мумкинки, унда сув ресурслари муҳофаза қилиш муносабатларига тегишли бўлган экологик талаблар, сув ресурсларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, жавобгарликни қўллаш масалалари тўла ўз ифодасини тоғган эмас. Бундан ташқари, суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш норматив ҳужжатларнинг кодификациялашган мажмуага эга эмаслиги, локал норматив ҳужжатларга бўлиб ташланганлиги ҳам муаммонинг тўла ва етарли даражада ҳал қилинишига тўсик бўлмоқда.

Маълумки, суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи қонунларни яратиш ўта мураккаблиги билан характерланади. Бунинг сабабини сув ресурсларининг трансгеографиявий аҳамият касб этиши, унинг қўлчан миллий chegarаларни билмаслиги, табиий кучларнинг инсон куч-қудратидан устунилиги, сув бойликларининг инсон меҳнати маҳсули эмаслиги, унинг умумий қонунчилигининг жамият қонунчилигига бўйсунмаслиги ва шунга ўхшаш ҳолатларда кўриш мумкин.

Шуни айтиш керакки, юридик адабиятларда суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи қонунларни яратиш ва ишлаб чиқиш назарияси муаммолари деярли тадқиқ қилинмаган. Келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи қонунларнинг асосини ташкил этадиган қонунлар, мақсадлар ва концепциялар ҳақидаги масалаларда аниқлик ва яқдиллик йўқ.

Суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи қонунларни яратишда муносабатни илмий асосда белгилаш ва уни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат бўлиши лозим. Аммо амалиётни ўрганиш шунини кўрсатадики, бу масалада қонун илмдорлиги иқтисодининг экологиядан устуворлигини ўрнатishi йўлидан бормди. Суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи қонунларни яратишда шундай йўлни топши лозимки, шундай воситаларни қўллаш зарурки, бир томондан, хўжалик фаолияти тараққий этсин,



иккинчи томондан, сув бойликларини муҳофаза этиш муносабатларини ривожлантириш ва тақчиллаштиришга ёрдам берсин. Шунга кўра, сув қонунчилиги табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига устуворлик бериб, иқтисодий ва экология узилиги мезонига алоҳида аҳамият бериши керак.

Ушбу муаммога тааллуқли ечилиши лозим бўлган бошқа муҳим масала бу — суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи қонунларни яратиш қандай бўлиши керак, деган саволдир. Маълумки, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар турли-туман бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлса ҳамда яқдиллик билан ташкил этса, улар мажмуалашган меъёрий ҳужжат, яъни кодекс билан тартибга солиниши керак. Шунинг учун суви ҳуқуқий муҳофаза қилиш муносабатларининг умумийлиги, яъни табиат объекти эканлиги, шунингдек, ҳар бир сув объектининг алоҳида автономлигини эътиборга оладиган бўлса, бундай ҳуқуқий муносабатлар, табиийки, кодекс билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Суддан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларининг ҳуқуқий асосларини тақчиллаштиришда сув қонунчилиги бўйича халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Россия Федерациясида суддан фойдаланиш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ муносабатлар Россия Федерациясининг 2006 йил 3 июндаги Сув кодекси билан тартибга солинади.

Ушбу кодексда биринчи навбатда ушбу қонунлар мажмуида қўлланиладиган асосий тушунчалар ўрнатилган бўлиб, уларга акватория, сув ҳўжалиги, сув ресурслари, сув фонди, сув истеъмоли, сув таъминоти, дренаж сувлари, сувни ишдан чиқариш ва бошқа тушунчаларни санаб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, Россия Федерациясининг Сув кодексида умумий қодалар, сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар, суддан фойдаланиш шартномаси, сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқаруви, сув объектларидан ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадлари учун фойдаланиш,

оқова ва дренаж сувларини ташлаш мақсадида фойдаланиш, сув ҳавзаларидан фойдаланиш, сув объектларидан электр энергия ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланиш, устки сувлардан сув ва ҳаво транспорти мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ёғочларни ташиш учун фойдаланиш, сув объектларидан давлолаш ва соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида низоларни ҳал этиш, суддан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро муносабатлар, сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик муносабатларни тартибга солиш.

Белорусь Республикасида суддан фойдаланиш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ муносабатлар Россия Федерациясининг Сув кодексида нисбатан батафсилроқ, аниқроқ ва тўла қўриб кўриш мумкин. Чунки, Беларусь Республикасининг Сув кодексида Россия Федерациясининг Сув кодексида фарқли ўлароқ суддан фойдаланиш турлари алоҳида олинган бўлиб тарзда тартибга солинган.

Қозғистон Республикасида суддан фойдаланиш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ муносабатлар Қозғистон Республикасининг 2003 йил 9 июлдаги Сув кодекси билан тартибга солинган бўлиб, у умумий ва махсус қисмлардан иборат. Бу кодексда ҳам биринчи навбатда ушбу қонунлар мажмуида қўлланиладиган асосий тушунчалар ўрнатилган бўлиб, уларга акватория, сув ресурслари, сув фонди, сув истеъмоли, сув таъминоти, сув объекти бассейни, ер ости сувлари бассейни, бошқаришнинг бассейни принципи, қирғоқ чизиги, сув сервитутти, дренаж сувлари, суви ишдан чиқариш ва бошқаруви айтиб ўтиш мумкин.

Қозғистон Республикаси Сув кодексининг тузилиши ҳақида тўхталиб ўтганда ундан жой олган умумий қодалар, сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи, сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви, сув объектларидан ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан кишлоқ

Ҳасан ХАЙИТОВ,  
юридик фанлари номзоди

хўжалик мақсадларида фойдаланиш, сув объектларидан сановат мақсадларида фойдаланиш, сув объектларидан оқова ва дренаж сувларини ташлаш мақсадида фойдаланиш, сув объектларидан энергетика мақсадларида фойдаланиш, сув объектларидан давлолаш ва соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан рекреация мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан оқова мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан балиқ тутиш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиш, суви муҳофаза қилиш зоналари, суддан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш таъминлашнинг иқтисодий механизми, суддан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш, суддан фойдаланиш учун ҳақ тўлаш, суддан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат, суви мониторинги, давлат сув кадастри, сувга етказилган зарарни қоплаш, кичик сув объектлари ва уларни муҳофаза қилиш, суддан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида низоларни ҳал этиш, суддан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро муносабатлар, сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик муносабатларни тартибга солишнинг асосий принциплари санаб кўрсатиш мумкин.

Ўрганиб чиқилган давлатлар суви қонунчилиги таҳлили шундан далоят берадики, ушбу мамлакатларда суддан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар суви ҳуқуқининг мажмуалашган меъёрий ҳужжати ҳисобланган Сув кодекси билан тартибга солинган. Айниқса, бу масалада Беларусь Республикасининг тажрибаси диққатга сазовор бўлиб, ундан Ўзбекистон Республикасида суддан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларининг ҳуқуқий асосларини тақчиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сув кодексини яратиш тўғрисидаги гоё илгари суриланган экан, албатта, бу кодекснинг тузилиши, тизими, бизнинг, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибалари, юртимизнинг табиий иқлим шароитлари, сува бўлган эҳтиёжлари атрофида ўрганилган ҳолда қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Сув кодексининг қабул қилиниши сув бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий асосларни тақчиллаштиришга, сувининг сифатини яхшилаш ва соғломлаштиришга, аҳоли учун қулай табиий иқлим муҳити яратишга, республикамиз фуқароларининг сувага эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга ва қўллашга, барқарор ривожланишни амалга оширишга, умуман олганда, ҳозирги ва келажак авлодлар учун сув бойликларини асрашга хизмат қилади.



## Денисов «Лацио»га ўтиши мумкин

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоячиси Виталий Денисов қишки трансферлар вақтида Италияга кўчиб ўтиши мумкин.

Римнинг "Лацио" жамоаси Москванинг "Локомотив" клуби аъзоси ҳисобланган ўзбекистонлик 28 ёшли ушбу ҳимоячининг ўйинига қизиқиш билдирмоқда.

"P-Спорт" нашрида ёзилишича, "Лацио" клуби москваликлар билан мазкур ҳимоячини трансфер қилиш бўйича музокара ўтказмоқда.

Шунингдек, Денисовга Туркиянинг "Трабзонспор" жамоасидан бўлган қизиқиш ҳам сақланиб турибди.


Бундан ташқари, интернет нашрларида Виталий Денисовнинг Англия чемпионатида кўчиб ўтиши мумкинлиги ҳақида ҳам маълумотлар пайдо бўлмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Виталий Денисов Россия чемпионатининг ушбу мавсумида 18 та ўйинда иштирок этган ва битта голли узатмага муаллифлик қилган.



## Солиқ тўламагани учун қамоқ?

Беш қарра "Олтин тўп" соҳиби Лионель Месси ва унинг отаси Хорхе Орасио Месси солиқ тўлашдан бўйин товлаганга оид иш бўйича 31 май кунини судда жавоб берадилар.



Аргентиналик футболчи ва унинг отаси 4,1 миллион евро миқдордаги солиқларни тўламаганида айбланмоқда. Прокурорнинг маълумотларига кўра, ўйинчи 2007-2009 йилларда олинган даромадидан солиқ тўламаган.

L'Equipe нашрининг хабарига кўра, даъвогар томон футболчи ва унинг отаси учун 22 ойлик қамоқ жазоси талаб қилган.

Мессининг ўзи собиқ агенти хатога йўл қўйганини тан олган ҳамда Испания газнасига 10 млн. евро тўлаб, унга нисбатан жиноий иш очилмаслиги учун яна 15 млн. евро тўлашга тайёрлигини маълум қилганди. Бироқ маҳаллий ҳокимият бунга рад жавобини берган эди.

## Левандовски «Реал» нишониди

Мадриднинг "Реал" клуби раҳбарияти Мюнхеннинг "Бавария" жамоаси ҳужумчиси Роберт Левандовски бўйича расмий таклиф жўнатди. Бу ҳақда The Sun нашри хабар тарқатди.



Манбада айтилишича, мадридликлар футболчини қишки трансферлар мавсумидаёқ таркибга қўшиб олишни кўзлашмоқда. Трансфер қиймати 75 миллион фунтни ташкил қилиши мумкинлиги ҳам таъкидланмоқда.

Айтиш жоизки, Левандовски жорий мавсумда 27 та ўйинда 25 та гол киритган.

## Санжар Турсунов фаолиятини Қатарда давом эттиради

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Санжар Турсунов Украинанинг "Ворскла" клубини тарк этди.

Полтава жамоаси расмий сайтининг ёзишича, 29 ёшли маҳоратли футболчи энди "Ворскла" сафидан ўйнамайди. Чунки ўзбекистонлик ярим ҳимоячига Қатарнинг гранд жамоаларидан бири таклиф билан чиқди. С.Турсунов эса мазкур таклифга розилик берди ва янги жамоаси билан шартнома имзолаш учун Қатарга йўл олди.

Ҳозирча Санжар Турсуновнинг айнан қайси жамоа сафига бориб қўшилиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ушбу футболчи 2014 йилнинг бошидан буён Украина клуби таркибиди ўйнаб келаётган эди.



## Моуриньо Манчестер клубини бошқариш ниятида



"Манчестер Юнайтед" жамоаси раҳбарияти "Челси" жамоасининг собиқ бош мураббийи Жозе Моуриньонинг вакиллари билан алоқага чиқди. Бу ҳақда The Times хабар бермоқда.

Хабар қилинишича, томонлар 2016 йилнинг ёзида Моуриньони "МЮ" клуби бош мураббийлигига олиб келиш имкониятларини муҳокама қилишган. Лекин айни вақтда клуб Луи ван Гаал раҳбарлигида жуда ёмон натижа қайд этаётгани жараёни тезлаштириши мумкин. Клуб раҳбарияти ёзгача кутиб ўтирмасдан Луи ван Гаални истеъфога чиқариши ва унинг ўрнига Моуриньони олиб келиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, бир неча кун олдин португалиялик мутахассис "МЮ" раҳбариятига ўзини ишга олишларини сўраб, 6 саҳифали мактуб ёзгани хабар қилинган эди.

## «МЮ» Хамесга даъвогар

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби Мадриднинг "Реал" жамоаси ярим ҳимоячиси Хамес Родригес учун яна бир таклиф билан мурожаат қилган.

Sunday Express нашрининг ёзишича, "МЮ" клуби вакиллари мадридликлар билан 24 ёшли колумбиялик футболчи борасида музокара олиб боришмоқда. Хабарда айтилишича, Англия клуби бу футболчининг трансфери учун 63 млн. фунт сарфламоқчи.

Бундан олдинроқ, "Реал" клубининг янги бош мураббийига айланган Зинеддин Зидан қишки трансферлар вақтида жамоани ҳеч қайси футболчи тарк этмаслиги ҳақида маълум қилганди. Қолаверса, ФИФА "Реал" жамоасига кейинги икки мавсумда янги футболчиларни рўйхатдан ўтказиш бўйича тақиқ қўлагач, "Қироллик клуби" футболчи сотиш эмас, сотиб олиш билан шуғулланиши аён бўлди.

Ўтган ойнинг охирида ҳам "Манчестер Юнайтед" клуби ушбу футболчи учун 59 млн. фунт таклиф этгани ҳақида хабар берилганди.

Эслатиб ўтамиз, Хамес Родригес жорий мавсумнинг биринчи ярмида жароҳати туфайли 2 ой майдонга туша олмади ва атиги 12 та ўйинда жамоасига ёрдам бера олди, холос. У бу ўйинларда 3 та гол уриб, 4 маротаба голли узатгани амалга оширган.



## Рамирес Хитойга йўл олмоқда

Англиянинг «Челси» клуби ярим ҳимоячиси Рамирес ўз фаолиятини Хитойда давом эттириши мумкин.

У мунтазам ўйин амалиётига эга эмаслигидан норози ва қишки трансферлар мавсуми ўз ниҳоясига еттунига қадар жамоани тарк этиш ниятида.

Daily Mail нашрида ёзилишича, 28 ёшли футболчи фаолиятини Хитойнинг "Цзянсу Сайнти" жамоасида давом эттириши мумкин. Бу жамоа Рамиреснинг трансфери учун 25 млн. евро тўлашга тайёрлигини билдирган.

Шунингдек, ушбу футболчи Парижнинг "ПСЖ" ва Мюнхеннинг "Бавария" жамоалари ҳам қизиқмоқда. Лекин айни вақтда Дан Петреску мураббийлик қилаётган Хитой жамоаси бу рақобатда ютиб чиқиши ойдинлашмоқда.



Интернет хабарлари асосида Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ҳамда департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси жамоалари бошқарманинг бўлим бошлиғи Аббосхон Насриддиновга волидаи муҳтарамаси

**Санобар аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ҳамда департаментнинг Сўх туман бўлими жамоалари бўлим суриштирувчиси Зафаржон Шодиевга онаси

**Фозинисо онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлиқ билдиради.

# Ғайрат ва шижоат соҳиб



Ботир Ҳамзаевич Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида кўп йиллардан буён фаолият юритиб, мамлакатимизда эл-юрт тинчлиги, оқсоқилларнинг таъминлашдек, масъулиятли ҳамда шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида 1965-1968 йилларда Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси, 1968-1972 йилларда Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, 1972-1981 йилларда Қарши шаҳар прокурори, 1981-1983 йилларда Қашқадарё вилоят партия кўмитаси маъмурий идоралар бўлими мудир, 1983-1987 йилларда Қашқадарё вилоят прокурори, 1987-1990 йилларда Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари, 1990-1992 йилларда Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари, 1992-2002 йилларда Навоий вилоят прокурори, 2002-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилики мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, 3-даражали давлат ақлия маслаҳатчиси, қатор орден ва медаллар соҳиб, юртдошларимизнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган тажрибали ҳуқуқшунос Ботир Ҳамзаевич Калонов Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида таваллауд топган. У қутлуғ 75 ёшини қарши олди.

Ходимлари малакасини ошириш Маркази директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ҳамда хўжалик ишлари бўйича ўринбосари каби қатор масъулиятли лавозимларда ишлаб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Марказдаги фаолияти даврида "Юридик фанлари номзоди" илмий даражасини олди.

Ботир Ҳамзаевич қаерда ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, хамиша билимдон ва самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди. Меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, адолатпарварлиги, ташкилотчилиги туфайли барчанинг эътиборига сазовор бўлди.

Ботир Калонов тинимсиз ва самарали меҳнатлари эвазига "3-даражали Давлат ақлия маслаҳатчиси" даражали унвони, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвони, "Ҳурмат белгиси" ордени ва қатор медаллар ҳамда кўплаб фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида Ботир ақанинг шоғирдларини жуда кўплаб учратиш мумкин. Улар устозларининг эзгу ишларидан ибрат олиб, унинг ўғитларига амал қилган ҳолда ўз вазифаларини адо этишмоқда.

2005 йилдан ҳозирги кунга қадар Ботир Калонов Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Тиниб-тинчимас, сергайрат Ботир ака ушбу Марказнинг асосий ташкилотчиларидан бўлиб, умрини эл-юрт тинчилиги учун бахшида этган прокуратура фахрийларидан кунда-кунора хабар олишдан қарчмайд.

У юбилейларда, байрамларда фахрийларнинг уйларига совғалар билан кириб борганида уларнинг кўнгиллари тоғдек кўтарилади. Зеро, кўнгиллари обод этмоқлик фақат олижаноб ва олиҳиммат инсонларнинг ишидир.

"Инсонларга хурсандчилик улашиш, оғирини енгил қилиш — савоб иш. Аслида кекса авлод вақилларига шодлик бахш этиш учун кўп нарса керак эмас. Эътибор, ширин сўз, меҳру саховат уларнинг дилини обод этади", деган эди Ботир ака ёш мутахассислар билан учрашувларнинг бирида.

Ҳурматли Ботир Ҳамзаевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилаймиз!

Ғайрат ва шижоат Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси

# Айёмингиз муборак!



Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга, ҳуқуқий-амалий тажрибаси билан ёш ходимларни тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсон, прокуратура фахрийси Жалол Исроилов қутлуғ 60 ёшини қарши олмақда.

У иш фаолияти давомида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят прокуратуралари тизимида туман прокурорининг ёрдамчиси, туман прокуратураларида терговчи, катта терговчи, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Яшнобод ва Шайхонтоҳур туман прокурорларининг ўринбосари, Қуйичирчиқ туман прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди. Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматида сазовор бўлди.

Жалол Исроиловнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Жалол Муратович, қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Реклама (эълон)

## Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини тақриф этади.

Миллий валютада:

- "Соғлом авлод" — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
- "Қиш фасли" — омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади;
- "Ёрқин келажак" — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- "Percent" — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
- "Profit" — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган.

- "Мадад" — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
- "Хонадон" — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
- "Қурилишга бошлангич бадал" — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ✓ миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Hakimboy HALIMOV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV, Kamoliddin ASQAROV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85, E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma s-4891. 42 127 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA, Sahifalovchi: S.BABAJANOV, Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va xabarot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-7617

9 772010 761004